



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MONOPOLIYAGA QARSHI KURASHISH QO'MITASI HUZURIDAGI
ISTE'MOLCHILAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH AGENTLIGI

CONSUMER PROTECTION AGENCY
UNDER THE ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN



100128, Toshkent sh., Labzak ko'chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-47-00, Tel.: (998 71) 241-22-53
e-mail: consumer@antimon.gov.uz

000547

“ЭВ” МАВЖ 20 19 у. № 01/08/510

Ташқи реклама билан шуғулланувчи
Реклама агентликларига
(рўйхат буйича)

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлиги (кейинги ўринларда- *Агентлик*) ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Агентлик ўзига юклатилган функцияларни бажариш давомида бевосита ташқи рекламаларни кузатиб бориб, уларга тегишли муносабат билдириб келмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 23 ноябрдаги “Ишонч” газетасининг 40-сонида чоп этилган мақолада “Пойтахтимиз кўчаларини “безаб” турган “Хотин эски бўлса бўлсин мебель эски бўлмасин!” мебель ишлаб чиқарувчи корхонаси ташқи рекламасига эътироз билдирилган.

Шунингдек ўтказилган ўрганишларда “Мебель ХОТИНМАС бемалол янгисига АЛМАШТИРИНГ!”, “Қачонгача мебели хотин танлайди??? Эркак!!!”, “Оригинал хотинга оригинал мебель!!!”, “Сакраб-сакраб бузолмайсиз! Жаноб!!!”, “Тўйга ўзи мебель қиладиган мард ҚИДИРИЛМОҚДА!” мазмунидаги рекламалар жойлаштирилганлиги кузатилди. (ушбу ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бериш юзасидан *Агентлик ўрганиш ўтказмоқда*).

Бундан ташқари, ташқи рекламалар орқали жойлаштирилаётган бошқа товар (иш, хизмат) рекламасида маънавиятга тўғри келмайдиган, миллий ва оилавий анъаналарга масҳараомуз ва кинояли оҳангда ёндашилган иборалардан фойдаланилиши ҳолатлари кўплаб кузатилиб, бундай рекламалар фуқаролар ва интернет фойдаланувчиларининг турли эътирозларига олиб келмоқда.

Масалан, “Қайнотанга ишонма. Тўйга ёғни ўзинг ол!” каби реклама ноаниқ, рекламдан фойдаланувчиларни чалғитишга олиб келиши эҳтимоли йўқ эмас.


Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг асосий вазифалари рекламанинг давлат ва жамоат манфаатларига, ахлоқ ва маънавиятнинг умум эътироф этилган нормаларига, юридик ва жисмоний шахсларнинг ишчанлик обрўсига, атроф муҳит ҳолатига тажовузидан ҳимояланиш чораларини таъминлашдан иборатдир.

Таъкидлаб ўтиш жойски мавжуд қонун ҳужжатларига мувофиқ, олдиндан огоҳлантиришни таъминлаш, профилактика самарадорлигини ошириш ва қоидабузарликларга йўл қўймаслик мақсадида реклама бозори субъектлари зарур ҳолларда, ихтиёрий равишда Агентликга реклама маълумотларнинг гоёлари, мавзулари ва эскизлари бўйича кўриб чиқиш ва тегишли равишда хулосалар олиш учун тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Сиздан ўзингизга тегишли бўлган ташқи реклама воситалари (конструкциялари)да реклама жойлаштиришда, уларни давлат ва жамоат манфаатларига, ахлоқ ва маънавиятнинг умум эътироф этилган нормаларига тўлиқ риоя қилган ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ишчанлик обрўсига зарар етказмайдиган ҳолда рекламаларни жойлаштиришингизни сўраймиз.

“Реклама тўғрисида”ги қонунга асосан реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, яъни ноқонуний реклама тарқатганлик учун реклама берувчи, реклама тайёрловчи ва реклама тарқатувчи белгиланган тартибда жавобгар бўлишини эслатиб ўтамыз.

Директор



Э. Хаитметов